



ДомАвтоматика ЕСО100

Қўлда тўлдириладиган қаттиқ ёқилғи
ишлатиладиган қозон контроллери
Фойдаланувчи қўлланмаси

Россияда ишлаб чиқарилган

Мундарижа

ОГЛАВЛЕНИЕ

Тайинланиши.....	8
Юз панели ва асосий экран.....	9
Орқа панел.....	10
Сақловчини (предохранитель) алмаштириш.....	10
Датчиклар.....	10
Чиқиш каналлари.....	11
Контроллерни улаш схемаси.....	12
Контроллер менюси тавсифи.....	13
AirFlow© режими ва тутун газлар датчиги.....	16
Хатолар ташхиси.....	17
Техник хизмат кўрсатиш.....	18
Ташиш ва сақлаш.....	18
КАФОЛАТ ТАЛОНИ.....	19

ХАВФСИЗ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР



ДИҚҚАТ! Фойдаланиш, хизмат кўрсатиш ва ўрнатишдан илгари ушбу қўлланмани албатта ўрганиб чиқиш зарур.

Контроллерни ўрнатиш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш билан боғлиқ бўлган ҳамма ишларни тўла токсизлаштирилган контроллерда ўтказиш лозим. Контроллерга қувват берувчи вилка розеткадан ажратилган бўлиши керак.

Ўрнатиш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш керакли малака ва тахассусга эга бўлган мутахассислар томонидан амалга оширилиши керак.

Контроллерни химоя қилувчи ерга улашсиз ишлатиш тақиқланади

Корпуси зарарланган, ё ки симлар изоляцияси бутунлиги бузилган контроллердан фойдаланиш тақиқланади.

Контроллердан қозонга ўта қизиб кетиш датчигини (вентилятор термостати, термик, STB) ўрнатишсиз фойдаланиш тақиқланади.

Контроллердан термик изоляцияси зарарланиши белгилари мавжудлигида фойдаланиш қатъиян тақиқланади, чунки термикка 220В тармоқ шиддати берилади ва ток уриши мумкин.

Контроллерда ортиқча кучланишдан химоя қилиш учун сақловчи (предохранитель) мавжуд. Ишлаб чиқарувчи корхона томонидан

кўрсатилгандан катта ишлаш токининг номиналига эга сақловчини ўрнатиш тақиқланади. Симли качаклар «жучок»-ларни ўрнатиш тақиқланади.

Атмосфера разрядлари ускунага зарар етказиши мумкин. Момақалдиноқ пайтида контроллерни тармоқдан узиб қўйиш тавсия этилади.

Контроллердан тўхтовсиз қувват манбаили инверторсиз шиддат стабилизаторсиз фойдаланиш тақиқланади, чунки катта амплитудали шиддат ирғиши контроллернинг нотўғри ишлаши, муҳофаза занжирлари куйиши, қозон қайнаб кетиши ёки ўчиб қолишига олиб келиши мумкин. Ўтхонанинг ёпилмаган тешиги ёки пассив ҳаво оқими тармоқ қувватланиши йўқлигида қозон портлашига олиб келиши мумкин.

Контроллер қотиб қолганида, дастур бузилганида, дастур таъминоти хатоликларида қозон портлаши олдини олиш учун қозондан фойдаланиш хавфсизлигини қўшимча механик ва электрон муҳофаза воситалари билан таъминлаш керак.

Автоматикадан босимни ташлаш системаси (хавфсизлик гуруҳи) билан жиҳозланмаган қозонларда фойдаланиш тақиқланади. Маълум даврда (хар чорақда) клапанни босимни ташлаб юборган ҳолда оксидланиш ва ифлосланиш олдини олиш учун мажбурий очиш талаб қилинади.

Контроллерга сачрашлар, томчилар, сув оқимлари тушишига йўл қўйилмасин.

Ишлаб чиқарувчи маҳсулот ишга қодирлигига таъсир етказмайдиган техник характеристикалар, меню бандлари матнини ўзгартириш имкониятига эга.

Бу қўлланмада контроллер билан биргаликда ишлатилиши, мос бўлиши, шунингдек унинг ишига манфий таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа иситувчи ва ўзга жиҳозлар иши хусусиятлари тавсиф этилмайди. Маълумотни аниқлаш учун мувофиқ жиҳозлар фойдаланувчи қўлланмаларига муурожаат этиш керак.

Ишлаб чиқарувчи истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мулкига фойдаланиш, хизмат кўрсатиш ва ўрнатиш сабабли етказилган зарар учун жавобгар эмас.

Божхона иттифоқининг ТР ТС 004/2011 «Паст вольтли ускуналар хавфсизлиги ҳақида» Техник регламенти талабларига мувофиқдир.


Божхона иттифоқининг ТР ТС 020/2011 «Техник воситаларнинг электромагнит мувофиқлиги» Техник регламенти талабларига мувофиқдир.

КИРИШ СЎЗИ

ЕСО100 қозонни бошқариш автоматикасини танлаганингиз учун миннатдормиз! Контроллеримиздан фойдаланиш Сизга фақат қулайлик ва уйингизнинг доим иссиқлигида ишонч келтиради деган умиддамиз!

Биз жиҳозларнинг техник характеристикаларини мунтазам яхшилаёмиз, янги материаллар ва сифатли ёрдамчи материалларни излаёмиз, мақсадимиз — ҳарбийча ишончли жиҳозларни ишлаб чиқариш, биз жиддий ва узоқ муддатга ишлаймиз!

Маълумки, мамнун миждоз сотиб олган жиҳозидан фойдаланганида, ундан сўрлмаса, фикру мулоҳиза билдирмайди — биз ЕСО100 ўрнатилган қозондан фойдаланганлигингиз ҳақида видео ёки матнли фикру мулоҳиза ёзиб info@dm-iot.ru почтага жўнатишни сўраймиз! Агар мақтавга арзигулик бўлса — мақтанг! Биз энг муфассал видеоларни қозон автоматикасини танлашга эндигина дуч келган бошқ фойдаланувчилар тушунча ҳосил қилиши ва ўзларига керак бўлган автоматикани танлашлари учун бизнинг назармизда жиҳозга 100% тушунган фойдаланувчига ДомАвтоматика эксперти статусини берган ҳолда ўз каналимизга жойлаймиз.



компания ҳаммуассиси

Подшивалов И.А.

ҚОЗОННИ ТЕЗ ИШГА ТУШИРИШ



ДИҚҚАТ! Ишга туширишнинг келтирилган алгоритми «шпаргалка» ҳисобланади ва ушбу фойдаланувчи қўлланмаси билан дастлабки танишишсиз фойдаланилиши мумкин эмас. Ушбу алгоритм билан ишга туширишни амалга ошириб, фойдаланувчи ушбу қўлланма билан тўла танишганлигини тасдиқлайди.

1. Агар контроллер тармоққа уланган, экран орқа ёруғлиги фаъол бўлмаганида, «МЕНЮ» тугмасига узоқ босиш билан контроллерга қувват беришни фаоллаштиринг
2. «МЕНЮ» тугмасини бир марта босинг
3. Қўл режимига кириш
4. Вентиляторни фаоллаштиринг
5. Қозон эшикчасини очинг ва вентилятор ёниш камерасига ҳаво бераётганлигига ишонч ҳосил қилинг.
6. Насосни фаоллаштиринг, насос вибрацияси мавжудлиги бўйича ишонч ҳосил қилинг.
7. Вентиляторни ўчиринг.
8. Насосни ўчиринг.
9. Ёндириш воситаси ёки газ горелкаси ёрдамида ёқилғини уч томондан ёндириш. Барқарор ёниш, ёки ёқилғининг кўламдор буруқсишина эришинг.
10. «НАЗАД» (ОРҚАГА) тугмасини узоқ босиш билан қозонни ишга туширинг
11. «ВВЕРХ» (ЮҚОРИГА) ва «ВНИЗ» (ҚУЙИГА) тугмаларини босиб, ёқилғининг керакли ҳароратини кўрсатинг
12. Ёқилғи ёнишни бошлаганига ишонч ҳосил қилинг. Одатда бунинг учун 20 дақиқа талаб қилинади.

Қозон керакли ҳароратгача қизий олмаса нима қилиш керак?

Вентилятор кучини 4 % оширинг

(*меню→вентилятор→максимальная мощность*).

Агар қозон керакли ҳароратгача қизиганидан кейин қизишда давом этса нима қилиш керак?

Вентилятор кучини 4% камайтиринг

(*меню→вентилятор→максимальная мощность*). Керак бўлганида амалиётни такрорланг. Пассив назорат қилинмайдиган ҳаво пуфланиши йўқлиги ва ўтхона тешиги зич ёпилганлигига ишонч ҳосил қилинг.

Иситиш ва автоматика иши бўйича бошқа саволларга жавобларни бизнинг расмий YouTube каналимиздан — [ДомАвтоматика](#) топиш мумкин. Ўнг томонда каналга тез ўтиш учун QR-код жойлашган.



КИРИТИШ

1 ТАЙИНЛАНИШИ

ЕСО100 контроллери қўлда ёқилғи солинадиган қаттиқ ёқилғили қозонни бошқариш учун мўлжалланган. Контроллернинг асосий вазифаси иссиқлик узатувчининг берилган ҳароратни тутиб туриш ва қаттиқ ёқилғили қозоннинг ёниш режимларини бошқариш ҳисобланади. Контроллернинг хараактеристикалари 1 жадвалда келтирилган.

1 жадвал - Контроллер хараактеристикалари

Параметр	Қиймат
Габарит ўлчамлари (симларни ҳисобга олмаганда), мм	170x50x50
Контроллер вазни, кг, кўпи билан	0,5
Корпус ҳимояси даражаси	IP40
Қувват шиддати, В	230 ±5%
Истеъмол қилинадиган қувват, ВА, кўпи билан	5
СТД 15150 бўйича иқлимий ясалиши	УХЛ3.1
Фойдаланиш ҳарорати, °С	-10..+40
«Насос ЦО» каналининг максимал чиқиш қуввати, Вт	100
«Вентилятор» каналининг максимал чиқиш қуввати, Вт	200

* Ҳамма чиқувчи каналларнинг узоқ вақтли қуввати суммаси **300 Вт-дан ошмайди**.


Қозонни бошқариш учун контроллер икки чиқиш каналига эга: ЦО насоси; пуфлаш вентилятори. Шунингдек система параметрларини назорат қилиш учун 2 датчик: ЦО ҳарорати датчиги; қозон қизиб кетиши ҳалокат датчиги (термик); ва хона термостатини улаш учун кириш, **РТ1000** туридаги тутун газларини улаш учун кириш.

Контроллер қозонни бошқаришнинг икки режимига эга:

1. Қўл режими, унда насос ва вентиляторни қўлда бошқариш мумкин, режим ўрнатиш ва созлашда фойдаланилади, бу режимда иситиш тақиқланган.

2. AirFlow© адаптив режими, бунда контроллер мустақил ҳолда берилган ҳароратни тутиб туриш ва оптимал ёниш учун узатиладиган ҳаво миқдорини вентилятор айланишини ўзгартирган ҳолда созлайди.

2 ЮЗ ПАНЕЛИ ВА АСОСИЙ ЭКРАН



1 сурат - Юз панели (1 — система ҳолати (РАБОТАЕТ/ОСТАНОВЛЕН); 2 - қозон ҳарорати (ЦО); 3 - қозоннинг берилган ҳарорати; 4 — ЦО насоси ҳолати («Н»-фаол; ёки «_»-ўчирилган); 5 — вентиляторнинг жорий қуввати, 6 — «ВНИЗ» тугмаси; 7 - «ВВЕРХ» тугмаси; 8 - «НАЗАД» тугмаси; 9 - «МЕНЮ» тугмаси)

Бош экранда система ҳолати ҳақидаги асосий маълумот инъикос этилади: жорий ва берилган ҳарорат; контроллер иши режими; насослар иши режими; бошқариш чиқиш каналлари ҳолати. Юз панел 1 суратда кўрсатилган.

Контроллер менюси ёки пастки менюга кириш учун «МЕНЮ» бошқариш тугмасини бир марта босиш керак. Меню бўйича ҳаракатланиш «ВВЕРХ» ва «ВНИЗ» тугмаларини босиш билан амалга оширилади. Бир даража орқага қайтиш ёки параметрни сақлаш учун «НАЗАД» тугмасини босиш керак.

3 ОРҚА ПАНЕЛ

Орқа панелда датчиклар, бошқариш каналлари чиқишлари ва сақловчи жойлашган.

«Термостат» киришига қуруқ контакт чиқишига эга термостатлар (нормал ёпик/нормал очик, контроллер менюсида созланади) уланиши мумкин.

«тдым» чиқишига РТ1000 типдаги чиқиб кетувчи газларни ўлчаш датчиклари уланиши мумкин.

4 САҚЛОВЧИНИ (ПРЕДОХРАНИТЕЛЬ) АЛМАШТИРИШ



ДИҚҚАТ! Тармоққа уланган контроллерда сақловчини алмаштириш тақиқланади. Катта номинал токка эга сақловчини ўрнатиш тақиқланади. Симли «жучок» кашагини ўрнатиш тақиқланади.

Сақловчини фақат характеристикаси ва номинали бўйича ўхшашига алмаштириш мумкин. Сақловчи номинали **250 В, 3.3 А**, андазалари 5×20. Сақловчи **ишлаш кечикиши** билан (суст) бўлиши мумкин. Тавсия этиладиган сақловчи тури артиукли 0218003МХР.

Сақловчини (предохранитель) алмаштириш учун орқа панелда жойлашган сақловчини тутиб турувчи қалпоқни бураб олиш керак. Агар сақловчини қисқа вақт ичида бир неча марта алмаштириш керак бўлса - тармоқда шиддат ошиб кетиши эҳтимоли ёки бажарувчи жиҳозлар (вентилятор ёки насос) билан муаммо бўлганида, агар муаммони ечишнинг иложи бўлмаса, бу варисторнинг (контроллердаги ҳимоя элемент) нокафолат ишдан чиқиши ёки вентиляторни бошқариш канали бузилишига олиб келади.

5 ДАТЧИКЛАР

ЕСО100 контроллери қозоннинг иш параметларини назорат қилиш учун бир неча махсулаштирилган датчикларга эга.

ЦО ҳарорати датчиги бевосита қозонга (қозоннинг сув кўйлаги гильзасига) ўрнатилади, қозонни бошқаришда контроллер унга ориентирланади.

Мўри қувурига киритилган гильзага ўрнатиладиган РТ1000 туридаги чиқиб кетувчи газлар ҳарорати датчиги, датчик маълумотлари

бўйича контроллер қозоннинг ФИК-ни оширган ҳолда қозон қувватини пасайтиришни амалга оширади.

Қозон қизиб кетиши залокат датчиги (термик) ҳам бевосита қозонга (қозоннинг сув кўйлаги гильзасига) ёки иссиқ сув узатиш қувурига ҳатмий иссиқлик изоляцияси билан ўрнатилади. У бутун автоматикадан мустақил ҳолда ишлайди ва иссиқлик узатувчи ҳарорати 90 °С-дан ошганида пуфлаш вентиллятори занжирини мажбурий равишда ажратади. Ҳарорат меъёрга қайтганида, занжир автоматик равишда қўшилади.



ДИҚҚАТ! Контроллерни зарарланган, ёки қозонга ўрнатилмаган қизиб кетиш ҳалоакт датчигисиз (термик) ишлатиш тақиқланади

ЕСО100 контроллерига қўшимча ҳолда нормал уланган, нормал ажратилган қуруқ контактли хона термостатини ҳам ўрнатиш мумкин.


6 ЧИҚИШ КАНАЛЛАРИ

ЕСО100 контроллери қозонни бир неча қозон бошқариш каналларига эга: ЦО насоси ва пуфлаш вентиллятори.

ЦО насоси канали иссиқлик узатувчи циркуляция насосини қозон иссиқлик алмаштирувчиси орқали бошқариш учун ишлатилиши мумкин. ЦО насосини фаоллаштириш автоматик равишда, қозон ҳароратининг (ЦО ҳарорати датчиги) минимал °С -га етишганида амалга ошади.

Вентиллятор канали вентиллятор айланишини контроллер ёрдамида бошқариш ва равон тартибга солиш учун ишлатилади.

7 КОНТРОЛЛЕРНИ УЛАШ СХЕМАСИ



2 сурат - ECO100 контроллери қозонга улаш схемаси.

8 КОНТРОЛЛЕР МЕНЮСИ ТАВСИФИ

Менюга кириш «МЕНЮ» тугмасини бир марта босиш билан амалга оширилади.

1) Вентилятор

Вентиляторни созлаш

1.1 Максимал қувват

Вентилятор максимал қувватини созлаш

1.2 Ҳаво коэффиценти

AirFlow режими учун ҳаво берилиши коэффицентини созлаш.

2) Қўл режими

Қўл режимида насос ва вентиляторни улаш учун алоҳида фаоллаштириш мумкин

2.1 Насос (фаоллаштириш/ўчириш)

Насос уланганлигини текшириш. Қозоннинг одатдаги иши учун фойдаланиш мумкин эмас.

2.2 Вентилятор (фаоллаштириш/ўчириш)

Вентилятор уланганлигини текшириш. Қозоннинг одатдаги иши учун фойдаланиш мумкин эмас, қозон қизиб ёки қайнаб кетиши мумкин.

3) Корхона созламалари

Корхона созламаларига қайтариш

4) Сервис менюси

4.1 Паролни киритиш:

Паролни киритиш учун меню. Тўғри паролни киритишсиз сервис менюсига киришнинг иложи йўқ.

4.2 КИРИШ

Агар 4.1 бандда киритилган парол тўғри бўлса, бандга босилганида сервис менюга ўтиш содир этилади.

5) Хатоларни бекор қилиш

Хатоларни бекор қилиш. Агар хатолар бекор қилинмаса, контроллер қозонни ёқишга рухсат бермайди.



МУҲИМ! Бу ерда ва кейин сервис менюга қандай кириш, созлашни қандай бажариш кўрсатилади. Сервис меню режими автоматиканинг муҳим параметрларини ўзгартириш учун имконият беради, бунда фойдаланувчидан сервис режимида ишлашда максимал концентрация ва диққат талаб қилинади. Энг тўғри усул - созлашни иситиш системангиз профессионал-ўрнатувчиларига ишониш. Нотўғри созламаларни амалга оширишда вентиляторнинг кафолатсиз ишдан чиқиши, қозон талаб қилинган қувватни бера олмаслиги, қозон қайнаб кетиши, қозон портлаши мумкин. Эҳтиёт бўлинг, асосий қоида — яхшиси созламаларни ўзгартирманг, агар Сиз нима қилаётганингизни аниқ билмасангиз. Сервис режимига кириш учун 4 бандга ўтиш зарур. Сервис менюси → паролни киритиш, 247 паролни киритиш, ва кириш сатрини босиш, Сиз сервис менюсига кирасиз. Сервис менюсидан чиқиш учун чиқиш бандини босиш керак. Сервис менюсида туриб қозонни фаоллаштириш тақиқланади.

Сервис менюси

1. Термостат

1. NC/NO (ёқиш/ўчириш) тури

Термостат турини танлаш. Выкл — нормал ажратилган, вкл — нормал уланган.

2. Режим (фаоллаштириш/ўчириш)

Термостат ишлатиладими ёки йўқми.

2. Вентиляторни тури

Контроллер пуфловчи вентиляторларнинг бир неча турлари билан ишлашни кўллаб-қувватлайди, бунда менжда ишлатиладиган вентиляторларни ўзгартириш мумкин.

1. M+M, Elmotech

Энг кўп тарқалган тур, WPA русумли ва бошқа вентиляторлар.

2. KG, Novololar

Кўрсатилган ишлаб чиқарувчиларнинг конденсаторсиз вентиляторлари.

3. Ўчиш режими

Вентиляторни тўхтатиш ва бинони иситиш системасини совутмасликка имкон берувчи режим.

1. Ҳарорат

Қозон ҳарорати кўрсатилган қийматдан пасайганида, контроллер, қозон ўчди деб ҳисоблайди.

2. Вақт

Қозон «минимал ҳарорат»-дан юқори ҳароратгача қизиши керак бўлган вақт (фаоллаштириш бошланишидан), акс ҳолда у ўчган ҳисобланади.

4. Бош экран

Контроллер бош экрани индивидуал созуламалари менюси. Бош экранда вентиляторнинг жорий қуввати ёки чиқиб кетувчи газлар ҳарорати датчигини инъикос этишга имконият беради.

- **Вентилятор**
- **Тутун газлар датчиги**

1. Хатоликлар журнали

Қурилманинг қора қутиси, ҳамма охириги ҳалокатларни инъикос этади. Журнални фақат ишлаб чиқарувчи заводда тозалаш мумкин.

2. Тнасоса

Қозоннинг қиркуляцион насос фаоллашадиган минимал ҳарорати. Функция қозонда конденсат ҳосил бўлиши олдини олиш учун фойдаланилади. Минимал қиймат 35°C (**Тавсия этилмайди**), максимал 65°C. Фойдаланувчи қозон ҳароратини **Тнасоса**-дан қуйи ўрната олмайди

3. Тутун газлар датчиги

Тутун газлари датчиги ва унинг қозон қувватини пасайтириш функциясини созулаш менюси.

1. Режим (фаоллаштириш/ўчириш)

Тутун газлари ҳарорати бўйича ишлаш режимини фаоллаштириш ёки ўчириш (вентилятори қувватини пасайтириш режими)

2. Максимал ҳарорат

Система оширмасликка ҳаракат қилувчи чиқиб кетувчи тутун газлари максимал ҳарорати.

3. Жорий ҳарорат

Тутунли газларнинг жорий ҳарорати

4. ЧИҚИШ

Сервис менюсидан чиқиш.

9 AIRFLOW© РЕЖИМИ ВА ТУТУН ГАЗЛАР ДАТЧИГИ

AirFlow© режими бу ДомАвтоматика компанияси томонидан ишлаб чиқилган адаптив тартибга солиш режими. ECO100 контроллерлари бошидан AirFlow режимида ишлайди. Бу режимда контроллер динамик тартибда иссиқлик олинимида қозон қувватини ўзгартиради. Шунинг учун кўча ҳарорати ўзгаришида, хона ҳавоси тозаланганида, ёки кириш эшиклари тез-тез очилиши/ёпилишида иситиладиган хонанинг иссиқлик йўқотиши баъзи ўзгаришида, контроллер кўрсатилган ҳароратни аниқ тутиб туришга ҳаракат қилади. Шундай қилиб, AirFlow алгоритми туфайли ёқилганинг **кимёвий охиригача ёниб тугамаслик** ва **кул қизишини камайтириш ҳисобидан** максимал узоқ ёнишига етилади. Қозонлар деворлари мунтазам ҳаво берилиши натижасида ҳамيشа қурум қатламисиз тоза қолади. 50кВт-дан ортиқ бўлган қозонлар учун ёниш давомлилиги анча ошади, биздаги маълумотларга кўра бир ёқилғи тўлдиришда 30%-гача узоқроқ ёнади.

AirFlow© режимини созлаш учун атиги 2 параметрни созлаш керак: вентилятор менюсидан **вентиляторнинг максимал қуввати** ва **ҳаво коэффициентини**.

AirFlow параметрларини созлаш қишда 2 марта қилинади: биринчи марта кузда фаоллаштиришда, иккинчи марта қишнинг энг совуқ кунлари бошланганида. Келаси йилда фойдаланишда унутиб қўймаслик учун қийматларни ушбу қўлланмага ёзиб қўйиш тавсия этилади



МУҲИМ! AirFlow© параметрларини созлаш жараёни бирмунча вақтни олиши мумкин.

AirFlow© параметрларини танлаш алгоритми:

1. Ёқиш, қозонни «НАЗАД» тугмасини узоқ босиш билан фаоллаштириш
2. ЦО талаб қилинган ҳароратини ўрнатиш, масалан, 65 °С.
3. **1 соат давомида**, қозон ҳароратини (дисплейдаги ЦО ҳарорати) кузатиш.
4. Агар қозон ҳарорати ўтган соат давомида керакли даражага етмаса, бу ишлаб чиқариладиган қувват етишмаслигини билдиради, **вентиляторнинг максимал қувватини ошириш** керак.
5. Агар қозон ҳарорати керакли даражага етса ва берилган қиймат атрофида >10 °С амплитуда билан ўзгарса, демак **ҳаво коэффициентини камайтириш** керак.

Қиймат ўзгартирилганидан кейин яна, **1 соат давомида**, қозон ҳароратини кузатинг. Бундай ҳолатга, қозоннинг жорий ҳарорати талаб қилинадиган ҳарорат яқинида ўзгарганида етишиш керак, тебранишлар нормал амплитудаси 2-дан 5 °С-гача ташкил этиши мумкин.

Тутун газлар датчиги AirFlow алгоритми эгри чизиги тезлашиши таҳрир қилишга имконият яратади, яъни датчик вентилятор айланишини пасайтиради ва ортиқча иссиқликка трубкага чиқиш учун йўл қўймайди. Тутун газлар датчиги ишини созлаш учун тутун газлари датчигини қурилмага кўшиш, кейин **сервис режими** → **д.дымгазов** → **режим[вкл]**-га кириш керак. Режим фаоллашганидан кейин қозонингиз ошиши мумкин бўлмаган максимал ҳароратни **тмакс С**-ни танлаш керак, 110-дан 190 °С-гача қиймат нормал ҳисобланади. Қанча паст ҳароратни танласангиз, системангиз мунтазам хизмат кўрсатишга шунча талабчан бўлади, лекин шу билан бирга тежамкор бўлади.


Сервис менюсида туриб системани фаоллаштириш тақиқланади!

10 ХАТОЛАР ТАШХИСИ

Ҳалокатлар олдини олиш учун, контроллер турли ҳалокат ҳолатларини қайта ишлаши ва қозон ишини тўхтата олиши мумкин. Қозонни муаммо ҳал қилингунча, хатолик бекор қилингунча ишлатиш иложи бўлмайди. Хатоларни бекор қилиш учун, **меню** → **сброс ошибки** -га кириш керак.

Ҳалокат ҳолатларини қайта ишлаш билан бирга, контроллер ҳамма юзага келган хатолар ёзиладиган қора қутига эга, хатоларни мустақил ҳолда ўчириш ташлаш мумкин эмас.

Хато юзага келганида контроллер «ОСТАНОВЛЕН» режимига ўтади, овозли ва ёруғли сигнализация фаоллашади, бош экранда «ОШИБКА» сарлавҳаси ва хатолик матнига эга ойна (3 сурат) чиқади. Хатоликларнинг эҳтимолий вариантлари 2 жадвалда келтирилган.



1. 2 жадвал - Эҳтимолий хатолар рўйхати

2.

Хато матни	Таърифи	Нима қилиш керак?
Қозон қизиб кетган	Қозон ҳарорати 87 °С-дан ошди.	Циркуляцион насосни текширинг. Вентилятор максимал қувватини пасайтиринг.
ЦО датчиклари носоз	ЦО ҳарорати датчиги зарарланган, ёки мавжуд эмас.	Датчиклар симлари зарарланишини текширинг.
Тутун газлари датчиги носоз	Тутун газлари датчиги зарарланган	Датчиклар симлари зарарланишини текширинг.

11 ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Техник хизмат кўрсатиш (ТХК) — бу автоматиканинг узоқ муддатга ва хавфсиз ишлашининг муҳим омилидир.

Режаланган ТХК хизмат кўрсатишнинг икки мажбурий даврини назарда тутуди: *ҳар ой* ва *ҳар 6 ойда бир марта*.

Бир ойда бир марта контроллернинг ташқи корпусини чанг ва бошқа ифлосликлардан тозалаш керак. Бунинг учун контроллер корпусини қурук, тоза латта билан эҳтиётлик билан тозалаш лозим.

6 ойда бир марта контроллер корпуси, датчиклар, шунингдек контроллер қувват олиш симлари ва ташқи ижро қурилмалари (вентилятор, насослар) бутунлигини текшириш керак. Зарарлар, изоляция структураси ўзгариши аниқланганида, контроллердан фойдаланишни дарҳол тўхтатиш керак.



ДИҚҚАТ! *Техник хизмат кўрсатишни фақат токсизлаштирилган контроллерда ўтказиш керак. Контроллерга қувват берувчи вилка розеткадан ажратилган бўлиши керак.*

12 ТАШИШ ВА САҚЛАШ

СТД 23216 бўйича ташиш шартлари. Автомобил транспортида ортиқча юклашнинг умумий сони кўпи билан тўрт:

асфальт ва бетон қопламали йўлларда (1 тоифа йўлларида) 200-дан 1000 кмгача;

тош (2 ва 3 тоифали йўллар) ва грунт йўлларда 50-дан 250 кмгача 40 км/с тезлик билан.

Транспортнинг турли кўринишларида ташиш:

Л ташиш шартларига киритилган ҳаво, темир йўл транспорти уйғунликда ва автомобиль транспортида, ортиқча юклаш умумий сони 3-дан 4-гача ёки ташишнинг ушбу шартлари билан;

сувда (денгиздан ташқари) Л ташиш шартларига киритилган ташиш била, ортиқча юк умумий сони тўртдан кўп эмас.

СТД 15150 бўйича сақлаш шартлари 2. Мўътадил ва совуқ иқлимли макроклиматик туманларда иситилмайдиган бинолар. Сақлаш ҳароати - 50-дан 40 °С-гача.

13 КАФОЛАТ ТАЛОНИ

Ишлаб чиқарувчи ЕСО100 контроллерига сотиш санасидан бошлаб 24 ой, лекин ишлаб чиқариш санасидан 36 ойдан кўп бўлмаган муҳлатга кафолат беради.

Кафолат таъмири фақат ишлаб чиқарувчи завод ёки унинг расмий хизмат кўрсатиш марказлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Кафолат мажбуриятларига ушбулар кирмайди:

1. ушбу қўлланмада кўрсатилган контроллердан фойдаланиш, ташиш ва сақлаш қоидаларини бузган ҳолда ишлатиш билан боғлиқ бўлган носозликлар;
2. контроллер ёки унинг алоҳида компонентлари механик бузилишлари;
3. атмосфера разрядлари ёки тармоқ шиддати кўтарилиб-пасайиши билан боғлиқ бўлган носозликлар;

Юқорида кўрсатилган камчиликлар топилганида, таъмирлаш харидор ҳисобидан амалга оширилади.

Пломба бутунлиги бузилиши, унинг йўқлиги, пломба ва кафолат талонидаги серия номерлари фарқ қилиши, нотўғри тўлдирилган кафолат талони, кафолат талонини йўқотиш контроллерни кафолатдан олиб ташлашга сабаб бўлади.

Серия _____ номери _____ ишлаб _____ чиқариш
санаси _____

Назорат

Сотиш санаси _____

Сотувчи имзоси _____

Кафолат шартлари билан танишдим (харидор имзоси) _____

МУҲИМ! Ўқилганлиги ҳақидаги имзосиз **кафолат амал қилмайди:**

Фойдаланиш бўйича қўлланмани ўқидим (харидор имзоси) _____

Сотувчи муҳри

Кафолат ва кафолатдан кейинги хизмат кўрсатиш бўйича ушбу манзилгоҳга
мурожаат этинг: 660028, Россия, Красноярск ўлкаси, Красноярск ш, Телевизорная кўч, 1 уй,
307 офис. Тел.: +7 (391) 989-11-20, сайт www.dm-iot.ru.

Таъмир ҳақидаги қайдлар:



ДомАвтоматика

«ТД ДомАвтоматика» МЧЖ
660028, Россия, Красноярск ўлкаси, Красноярск,
Телевизорная кўч, 1 уй, 307 офис.

+7 (391) 989-11-20 (кўп каналли)

www.dm-iot.ru
info@dm-iot.ru

Охирги ўзгаришлар 01.07.2020